

821.512  
М-96

Мұхабат,

сен  
чирайлисан

Сиз севіан шеърлар



Сиз севган шеърлар

---

# Мұхаббат, сен чиройлисан

*Шеърлар*



ХХ

Ғафур Ғулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий уйи  
ТОШКЕНТ - 2019

УДК 821.512.133-1

КБК 84(5Ү)7

М 96

Түплаб нашрға тайёрловчи: Санжар Турсунов

Мұхаббат, сен чиройлисан: шеърлар / - Тошкент: Fafur Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019. - 312 б.

Гүзәллик күнгилдан сув ичади, дейишади. Зеро, у киши руҳи-ни тетиклаштиради, дилига сурур бағишлиади. Гүлдек нозик күнг-лимиз ҳар доим чексизлиқка, бегуборликка интилаверади. Ахир, бегуборликни гүзәллик, гүзәлликни мұхаббат рамзи дея бежизга айтишмаган-ку. Мұхаббат! Нималарға қодирсан-а? Сенинг ташри-фингдан чүчіб, мудофаага ўтган юракларни ҳам қаёт сүқмоқларида тентирашға мажбур қиласан. Сүнға уларни япроқ мисол түқилиб кетишиңа ёки соғинч саҳроларида ёғғыз қолишиға маҳкум этасан. Мұхаббат! Нега сен орзуларни армонга айлантирасан? Бир лаңза бўлса-да ҳаловат билмайсан. Сенинг Эҳсонинг бойчечак умри қадар қисқа, зулминг эса қишининг изеириң тунларидек узун. Мұхаббат! Азиз китобхон ушбу китобда шоирларнинг юрак қони билан битил-ған мұхаббат ҳақидаги энг сара шеърлар жамланди.

УДК 821.512.133-1  
КБК 84(5Ү)7

ISBN 978-9943-5298-8-5

© Fafur Гулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий уйи,  
2019

## ТҮПЛОВЧИДАН

Хурматли ўқувчи!

Сизга минг бир андиша ҳам ҳаяжон ва шу билан бир қаторда озроқ ишонч билан бир китоб тақдим этмоқдамиз. Андиша шундаки, Сиз бу шоирларнинг деярли барча шеърларини ёддан биласиз. Ҳаяжон шундаки, китоб сизга манзур бўлармикин... Ишончимиз... Бу ҳақда сўзимиз сўнгида айтамиз...

Атрофимиздаги ҳар бир воқеа, ҳодиса, жарён аслида бир мўъжизадир. Ёмғир ёғишидан тортиб токи қуёш ботишигача – диққат қилсангиз бўлди. Буюк Яратган эгамнинг ҳар бир ишининг мўъжиза эканлигини билмоқ учун аввало хотиржамлик лозим. Шундай эмасми? Қушнинг учиши, балиқнинг сузиши, отнинг югуришию шамолнинг эсиши... санаб адогига етолмайсан киши.

Дунёда ҳар бир яратиқ, жонзот бир мўъжиза. Дунёда етти мўъжиза бор деганлар янгишмасмикин... Ахир чақалоқнинг дунёга келиши мўъжиза эмасми. Худди сизга ўхшаган бир одам пайдо бўлиши, юриш туриши, сизга эргашиши мўъжиза эмасми?

Табиатнинг, умуман ҳаётнинг яна бир мўъжизаси борки, бусиз кишилар бир кун ўёқда турсин, бир онини ҳам тасаввур қилишолмайди. Бу – АЁЛ. У гоҳ она бўлиб бошинг силаса, гоҳ опа бўлиб умринг тиласа, гоҳи синглинг бўлиб эркаланса, гоҳ севимли ёр бўлиб рашқ қиласи, севади, азоблайди...

Шоирларнинг юрак қони билан битилган дардчил сатрлар, гоҳ йиғлатадиган мунис ва маъюс оҳанглар – буларнинг бари ана шу аёллар сабаб дунёга келади, яратилади. Гапни чўзмоқчи эмасман. Ишончимиз шундаки, бу китоб биринчи ва сўнгги мўъжиза – Аёлларга бағишиланган.

Дарвоҷе, барибир тилимиз ўрганган етти мўъжизага қисқача изоҳ бериб ўтмоқчиман. Муҳаббат саккизинчи мўъжиза. Эътибор берган бўлсангиз бу китобда ҳам саккизта ижодкорнинг шеърларини жамладик. Энди хулоса ўзингиздан.

Китоб муборак бўлсин, аёлларнинг фарзандлари, ёрлари, aka-укалари...





ЭРКИН ВОҲИДОВ  
(1936 - 2016)

Ўн саккизга кирмаган ким бор,  
Боғингдан гул термаган ким бор.  
Сен ҳақингда ёзиб тўрт сатр,  
Сирдошига аста кўрсатиб,  
Кўшни қизга бермаган ким бор.

\* \* \*

Қаро қошинг, қалам қошинг,  
Қийиқ қайрилма қошинг, қиз.  
Қилур қатлимга қасд қайраб –  
Қилич қотил қарошинг, қиз.

Қафасда қалб қушин қийнаб,  
Қанот қоқмоққа қўймайсан.  
Қараб қўйгил қиё,  
Қалбимни қиздирсан қуёшинг, қиз.



## КИМНИ ЭТМАС БУ КҮНГИЛ ШАЙДО

Дунё экан...  
Ишқ деган савдо  
Борми фақат менинг бошимда?!  
Кимни этмас бу күнгил шайдо,  
Ким шеър ёзмас менинг ёшимда?!

Севги илк бор тушди-ю қалбга,  
Ҳаётимнинг бўлди мазмуни.  
У қўлимга тутқазиб қалам,  
Кўзларимдан олди уйқуни.

Олди бутун фикру хаёлим,  
Кетди дилдан ором, ҳаловат.  
Севги бутун боримни олиб,  
Шеър завқини қолдирди фақат.

Борлик олам кўзимга минг-минг  
Гўзалликка тўлиб кўринди.  
Гуллар менга ошиқ булбулнинг  
Шеър дафтари бўлиб кўринди...

Айб этмангиз,  
Дўстлар бу савдо  
Борми фақат менинг бошимда?  
Кимни этмас бу күнгил шайдо,  
Ким шеър ёзмас менинг ёшимда?!

## ШОИРГА МАКТУБ

– Мен бир қизни севаман, аммо,  
Қиз дер: – Боринг, тошингиз теринг.  
Шоир ака, сиздан илтижо,  
Менга битта шеър ёзиб беринг.

Үқисину ўша парвосиз –  
Юрагида меҳр уйғонсин.  
Қасамимга ишонмаган қиз,  
Ўша ёниқ байтга ишонсин.

Шундай ёзинг, токи, қиз қалби,  
Эриб кетсин бўлса ҳамки тош.  
Жонига ўт тұшсин мен каби,  
Оқиб кетсин күзларидан ёш.

Ошиқда ишқ бўлса мұкаммал,  
Маъшуқани этармиш шайдо.  
Мажнунлигим англаб у гўзал,  
Зора севса бамисли Лайлло.

Кучоғимга отилса дилбар,  
Юрагимда әрмон қолмаса...  
Ахир, шоир шоирми агар,  
Бир юракни эритолмаса.

Шеър кутарман сиздан умидвор,  
Ёрга етсам баҳтли бўларман.  
Йўқса, менга ҳаёт не даркор,  
Тоғдан ўзни ташлаб ўларман.

– Ох, бечора ошиқ укажон,  
Андухларинг менга аёндир.  
Ишқ-вужудни ўртаган армон,  
Англаб бўлмас сирли жаҳондир.

Бир бевафо ишқида мен ҳам  
Поёни йўқ дардга тўлганман.  
Шу дард менга тутқазган қалам,  
Куя-куя шоир бўлганман.

На оҳимга парво қилган у,  
На шеъримни назарга илган.  
Неча дафтар тўлдиранману  
Улар бари йиртиб отилган.

Укам, менга қилмагин ҳавас,  
Юрагимда юз минг армонлар.  
Бахтли бўлсанг битта шеър эмас,  
Ёзиг берай сенга достонлар.

Ташбеҳларим қадрига етиб,  
Ёринг кўнгли тушса жойига,  
Менинг бор, йўқ ёзганим элтиб,  
Ташла ўша қизнинг пойига.

Бўлсин, укам, умринг чароғон,  
Мен етмаган бахтга етгин сен.  
Ёрингни ишқ деган бепоён,  
Осмонларга олиб кетгин сен.

Гул очди, деб, бир қалб сўзимдан  
Баҳра олди, деб, биргина жон –  
Рози бўлай мен ҳам ўзимдан,  
Бу дунёдан ўтай беармон.

## МАЖНУНТОЛ

– Куббон соҳилида қоматинг букиб,  
Олтин баргларингни кўл узра тўкиб,  
Нималар ҳақида сурасан хаёл,  
Сўйла, мажнунтол?

Ё тонгда бир гўзал чиқдими сувга,  
Нигоҳинг тушдими кўзи оҳуга?  
Сени банд этдими лабидаги хол,  
Сўйла, мажнунтол?

Кўл узра оққушлар парвоз этдими,  
Ва ё ўйларингни олиб кетдими?  
Сочларингни силаб ўтганда шамол,  
Сўйла, мажнунтол?

Тунда ой аксини кўрдингми сувда,  
Балки кутмоқдасан уни бехуда,  
Йўқса нега маъюс кўриндинг, не ҳол,  
Сўйла, мажнунтол?

– Йўқ, фикрим банд этган оққушлар эмас,  
Сабо ё париваш боқишилар эмас.  
На сув кўзгусида кўринган ҳилол,  
На чеҳраси ол!

Хаёлим боиси бошқадир бутун,  
Ўтмишнинг бўғамли қиссаси узун.  
Сўрадинг, сўйлайин, майли, қулоқ сол,  
Қалбга туғиб ол!

«...Жондан севар эди бир-бирин улар,  
Қалбда түлиқ эди ширин орзулар.  
Йигит ўқтам эди, қиз — соҳибжамол,  
Хулқда баркамол.

Улар шу боғларда ўйнаб-куларди,  
Оғушим уларга маскан бўларди,  
Бунда ўтказарди ошиқлар висол —  
Дамларин хушҳол.

Анов чаманларда гул терардилар,  
Анов тош устида ўлтирадилар.  
Икки қалб гўё қўш кабутар мисол,  
Тилларида бол...

Аммо ушалмади ширин орзулар...  
Бир кеча сўнгги бор учрашди улар.  
Оҳ, севги гулшани этилди поймол,  
Сўзламок маҳол...

Ҳамон ёдимдадир у ғамли кўзлар,  
Шу оқшом айтилган аламли сўзлар:  
«Ота...», «бойлик...», «тақдир...»,  
«никоҳ...», «қари чол...»  
Ва «Хайр, хуш қол!..»

Узоқ ўтиридилар шу тун икки ёр,  
Айрилиқ шомида вафоли нигор,  
Йигитга қолдирди ишқидан тимсол —  
Шоҳи дастрўмол...

Шу бўлди — уларни топмадим зинҳор,  
Сўрадим, изладим — кўрмадим бир бор.  
Қайдадир севганлар, не кечди аҳвол —  
Билмайман алҳол».

Гар сўрсам жавобсиз чайқалур бу қўл,  
Дарагин келтирмас еллар ҳам бутқул.  
Боғда гул бош чайқар, мен берган савол  
Қаршисида лол...

Сўрадим, дафъатан жим қолди боғлар,  
Сўрадим, чўккандай туюлди тоғлар.  
Сўрадим, чор атроф маъюс, bemажол —  
Кўринди беҳол...

Жондан севар эди бир-бирин улар,  
Қалбда тўлиғ эди ширин орзулар.  
Бу бир севги эди, улуғ баркамол,  
Оҳ, кетди увол...

Сен букун соҳилда кезиб юрганда,  
Дилдоринг ёнингда ханда урганда,  
Шу кечмиш ҳислари дил мулкин дархол,  
Қилдилар ишғол...

Фикримни банд этган ишқ қиссаси бу,  
Ва ишқ қиссасининг алқиссаси бу —  
Шу севги ҳаққи ҳам сендаги иқбол,  
Топмасин завол!



\* \* \*

Учрашувга ошиқади дугонанг,  
Кўзлар висол орзусида чараклаб...  
— Болам, чойинг совиб қолди, — дер онанг,  
Ўлтирасан уйда китоб вараклаб.  
Ҳали севги деб аталган бастакор  
Юрагингда торлар чертиб ўтмаган,  
Ҳали ҳеч ким гуллар тутиб навбаҳор  
Сени висол боғларида кутмаган.  
Кечаларинг осудадир, бир одам —  
Ёди билан банд бўлмаган ўйларинг...  
«Ёш Вертер»ни ўқиб бир кун мени ҳам —  
Севармикин кимдир дея ўйладинг.  
Фойибона йўлларингга интизор,  
Аллакимнинг кутишини би -майсан.  
Деразангни чертиб сенга илк баҳор,  
Бир даста гул тутишини билмайсан.  
Сен ҳам уни, у ҳам сени қўрмаган,  
Қаердадир яшар лекин дунёда.  
Боғлар кезиб ҳеч гулга юз бурмаган,  
У сен учун ҳар кимдан ҳам зиёда...  
Учрашувга ошиқади дугонанг,  
Қалб орзиқиб, ёр олдига чопади...  
Қаердадир сени излар парвонанг,  
У албатта сени излаб топади.

## СЕВГИ

Үн саккизга кирмаган ким бор,  
Боғингдан гул термаган ким бор.  
Сен ҳақингда ёзиб түрт сатр,  
Сирдошига аста күрсатиб,  
Күшни кизга бёргөн ким бор.

Дастлаб ҳар ким қалам олган он  
Ёниб сени қуйлар бегумон.  
Маскан қуриб ҳар бир күнгилдан,  
Ошиқларни қолдириб тилдан,  
Шоирларни қилурсан бийрон.

Тушдим чоғи мен ҳам домингга,  
Эзгу ҳислар бахш этдинг менга,  
Ҳётимга зар лавҳа бўлдинг.  
Илк шеъримга сарлавҳа бўлдинг,  
Хаёлларим улфатдир сенга.

Юрагимда ҳисэтдим қанот,  
Тилсим каби очилур ҳаёт,  
Висолдаги дамларим ширин,  
Ҳижрондаги ғамларим ширин,  
Кулиб боқар менга коинот...

Үн саккизга кирмаган ким бор,  
Боғингдан гул термаган ким бор...

\* \* \*

Ой фонусин күттарди осмон,  
Юлдузчалар бўлди парвона.  
Сайр этайлик, кел, бирга, жонон,  
Кўнглим сени истар ягона.

Кўлларимдан тут ўзинг, дилбар,  
Ойдин йўлга етакла мени.  
Ошиқ бўлиб, ишон, шунчалар  
Севмагандим ҳеч қачон сени.

Ажаб, ортиқ сармасман букун,  
Кўкрагимга сиққудай олам.  
Бу кун лим-лим тўлмиш лолагун  
Ишқ майига кўнгил пиёлам.

Кел, юлдузлар тўшалган йўлдан  
Етакласин бизни муҳаббат.  
Ғамларингни чиқар кўнгилдан,  
Шод кунларни эслайлик фақат.

Сайр этайлик, кел, бирга, эркам,  
Рози кетсин биздан умрбод —  
Шодлик учун яралган олам,  
Севмоқ учун берилган ҳаёт.

## ФИРОҚ ҲАҚИДА

Сен йироқда,  
Ёринг йироқда,  
Үртанаңди жонинг фироқда.  
Тугаб борар бардош — саботинг,  
Учай десанг йўқдир қанотинг.  
Севар ёринг васлига муштоқ  
Кечаларинг ўтади уйғоқ...  
Аммо ғамдан бошиングни букма,  
Шаҳло кўздан ёшиングни тўкма.  
Дилбар, буни фироқ дема ҳеч,  
Ёрим мендан йироқ дема ҳеч.  
Чунки оро кириб жонингга,  
Бағринг бир кун келар ёнингга.

Сени ноҳақ  
Ранжитди ёринг,  
Ё ўзгадан рашик этди ёринг.  
Нолишингга қулоқ солмади,  
Изҳорингдан кўнгли қонмади.  
Кетди, боқмай ҳатто қайрилиб...  
Сен буни ҳам дема айрилиқ.  
Дил ўртама, йиғлама асло.  
Сен бу ҳижрон зулмати аро  
Пок севгингни айлагин чироқ, —  
Висол билан алмашур фироқ.

Сен севасан,  
Севмайди ёринг,  
Ёр кўнглига етмайди зоринг.

Севганингни ёки билмайди,  
Ё билса ҳам кўзга илмайди.  
Айрилиқда ёнасан бироқ —  
Сен буни ҳам атама фироқ,  
Чунки севгинг бўлса агар чин  
Хижронларни қилар чилпарчин.  
Ишон фақат, ҳеч толмай ишон,  
Ишонч бўлса чекинар ҳижрон...

Ёринг бўлса  
Ёнингда доим,  
Ёринг бўлса — қўркам, мулойим,  
Ҳар онингни кечирсанг бирга,  
Бирга бўлсанг бутун умрга,  
Ҳаёт қуриб, улаб жонга жон,  
Яшасанг-у йиллар ёнма-ён —  
Аммо бўлса қўнгиллар йироқ,  
Дунёда йўқ бундан зўр фироқ.  
Бу фироққа сира йўқ даво,  
Бу фироққа йўлиқма асло!



## АЗГАНУШ

Арман қизига

Күрдиму лол бўлди ақлим, ўнгмиди бу ёки туш,  
Бўлса ҳам ўнг, ё сени кўргач, бошимдан учди хуш.  
Сен баланд тоғ узра эрдинг мисли оху ёки қуш,  
Ёлвориб мен пастда дердим: бир нафас ёнимга  
туш.

Азгануш, ҳой, Азганушим,  
Азганушжон, Азгануш.

Сен хаёлнинг бир дамилик жилвасиму  
чинмидинг,  
Ё ғазалларда битилган «ул париваш» сенмидинг.  
Орази гул, сочи сунбул, бир тани сийминмидинг,  
Балки Ширин Ширин эрмас,  
сен ўзинг Ширинмидинг?  
Азганушим,  
Азганушжон, Азгануш, ҳой, Азгануш.

Ўсма қўйдингму қошингга, бунчалар тим қорадир,  
Билмадим, бу қошларингдан  
Қанча диллар порадир,  
Рахм қилғил, битта ўзбек шунчалар ёлворадир,  
Туш ўзинг, ё айт, ёнингга қайси йўлдан борадир?  
Азганушжон,  
Азгануш, ҳой, Азганушим, Азгануш.

Боқ, бу тоғлар ортида бир үлка бордир күп йирок.  
Мен қанотли йўлчига бу бир нафаслик йўл бироқ,  
Юр, париваш, мен билан юр, борми сенда иштиёқ?  
Гул тутарман сенга сўлмас ул

чамандан бир қучоқ.

Азганушим, Азганушжон,  
Азгануш, ҳой, Азгануш.



## АЙРИЛИШ

Бир лаҳзадек ўтди-ю кетди,  
Ногаҳоний бу қисқа висол.  
Кемалардек учрашган эдик,  
Айрилурмиз кемалар мисол.

На мен сенга ишқ изҳор этдим,  
На сен менга майл этдинг ошкор.  
Сени бир зум тутмоққа энди,  
На ҳаққим бор, на ҳукуқим бор.

Соҳилларда сайр айлаган он,  
Сўз очмоққа журъат қилмадим.  
Бу қувончлар сўнгида ҳижрон,  
Борлигини, нетай, билмадим.

Энди наф йўқ, вақт ўтди, кетди,  
Тамом бўлди бу қисқа висол.  
Кемалардек учрашган эдик,  
Айрилурмиз кемалар мисол.

Сузаркансан манзилга томон,  
Оқ йўл тилаб қолгум дилрабо.  
Етказинг деб соҳилга омон,  
Шамолларга қилгум илтижо.



## ХОТИРА

Дўстим,  
Хотирангдан қилма шикоят,  
Ёддан чиқармоқ ҳам яхши одатдир.  
Ёддан чиқармоқ ҳам бир саодатдир,  
Унутмаслик дарди оғир ниҳоят.

Вақтида унутсанг,  
Ором топар жон,  
Қалб күтариб юрмас ортиқ жафони.  
Мана мен,  
Йилларки, бир бевафони  
Эсдан чиқаролмай куяман ҳамон.





## БИР ТОМЧИ ЁШ

Чўққидан бир кичик тош юмаласа,  
Тоғни қулаттудек сурон қиласди.  
Кўзингдан бир томчи ёш юмаласа,  
Тоғдай юрагимни вайрон қиласди.

Агар кўксим узра қуласа бирдан,  
Тутмоққа қодирман тоғлар тошини.  
Ҳайҳот, кўтаролмам киприкларингдан,  
Узилган бир қатра қайғу ёшини...



## ТУН БИЛАН ЙИҒЛАБДИ БУЛБУЛ...

Тун билан йиғлабди булбул  
Гунча ҳажри доғида.  
Кўз ёши шабнам бўлиб  
Қолмиш унинг япроғида.

Кўз юмар бўлсам, кўзим —  
Олдида пайдо гул юзим,  
Гунча кўз очмоғи бор  
Булбул кўзин юммоғида.

Аста барг остида тинглаб  
Ётган эрмиш шўх сабо,  
Гунча булбулдан муҳаббат  
Дарсин олган чоғида.

Севги сахросида қолмиш  
Неча Мажнундан ғубор,  
Неча Фарҳод гарди ётгай  
Бистуннинг тоғида.

Гунчадек чехрангга Эркин  
Жон фидо этгай, санам.  
Қатра қонидан гул унсин  
То муҳаббат боғида.

## БАРЧА ШОДЛИК СЕНГА БҮЛСИН

Барча шодлик сенга бўлсин,  
Бор ситам, зорлик менга.  
Барча дилдорлик сенга-ю,  
Барча хушторлик менга.

Сен менинг жонимни олгин,  
Мен сенинг дардинг олай,  
Барча соғлик сенга бўлсин,  
Барча bemорлик менга.

Сенга бўлсин барча ҳусну  
Менга бўлсин барча ишқ,  
Кори хунхорлик сенга-ю,  
Меҳри пойдорлик менга.

Бу жаҳоннинг роҳатин ол,  
Боразобин менга бер,  
Сенга бўлсин барча ором,  
Барча бедорлик менга.

Ол ўзинг коённаларни,  
Менга кўй майхонани,  
Барча хушёрлик сенга-ю,  
Барча хумморлик менга.

Сенга бўлсин нурли кундуз,  
Менга қолсин қора тун,  
Барча гулшан сенга бўлсин,  
Бор тиканзорлик менга.

Сен шаҳаншоҳликни олгин,  
Менга қуллик бўлса бас,  
Бор жафокорлик сенга-ю,  
Бор вафодорлик менга.

Майли, остоңангда ётсам,  
Майли, қувсанг тош отиб,  
Бор дилозорлик сенга-ю,  
Бор дилафгорлик менга.

Сенга шеърни битсин Эркин,  
Йиртиб отмоқ ўз ишинг,  
Касби инкорлик сенга-ю,  
Айбга иқрорлик менга.



## ДИЛДОРГА НОМА ЁЗДИМ

Гул бўйларини боғдан  
Келтирган эй, шаббода,  
Дилдорга нома ёздим,  
Еткур уни ҳавода.

Еткур уни ва лекин  
Кўнглига қайғу солма,  
Шарҳи дилим этарда  
Бўлсин тилинг навода.

Ҳасрат тўла сўзингдан  
Озор топар нигорим,  
Рамзи ишора бирлан  
Қилгин уни ифода.

Гулбарги лолани элт,  
Кўйгин қадаҳ ёнига,  
Юз ҳажрида юрак қон  
Мисли қадаҳда бода.

Барги ҳавонни олиб,  
Ёнига қўйгин-у айт:  
Бу ошифинг юзи деб  
Хижрон деган балода.

Гул шохидан тикан уз,  
Гулбарги лолага санч,  
Кўксимга тиф урайми,  
Хеч қолмади ирода.

Саҳро ғуборидан элт,  
Хозирлигимни билсин  
Мен дашти Карбалони  
Кезмоққа ҳам пиёда.

Бир тола кипригимни,  
Элтиб оёғига қўй,  
Бедор кўзим йўлида,  
Ҳар шом ила сабода.

Дилдорга нома ёздим,  
Еткур ўзинг, мен ожиз,  
Гул бўйларини боғдан,  
Келтирган эй, шаббода.



## ЙҮҚ ЭМИШ ОРЗУДА АЙБ...

Сайди ишқ бўлган кўнгилга  
Кўймангиз бехуда айб.  
Бўлса банди доми сайёд,  
Йўқ эрур охуда айб.

Бандга тушган бу кўнгулдур,  
Менда, айтинг, не гуноҳ,  
Дил қушига дом қўйган,  
Ул икки жодуда айб.

Жоду кўзлар банди ёлғиз —  
Сен эмас, тутқун юрак,  
Аввал охир кўҳна мерос  
Ишқ деган туйғуда айб.

Эй кўнгил, ўз майлинг ила  
Бўлдинг ишқ домига банд.  
Иzlама энди баҳона,  
Демагин у-буда айб.

Севги дардидан менинг ҳам,  
Бўлди рангим каҳрабо,  
Йўқ илож, не наф ўқинмак,  
Бўлмаса кўзгуда айб?

Сен-ку Зухросан фалакда,  
Интизорингман фақат,  
Не ажаб, толпинса кўнглим,  
Йўқ эмиш орзуда айб.

## КИПРИГИНГДАН ЎҚ УЗИБ

Кипригингдан ўқ узиб,  
Кўксим аро заҳм айладинг,  
Дилни забт этмоққа балки,  
Чоҳ ўйиб лаҳм айладинг.

Ташна кўнглим ичмасин деб,  
Кўз ёшимдан қатра ҳам,  
Ашк сойининг йўлига,  
Кипригим даҳм айладинг.

Сен ўзинг кирдинг кўнгилга  
Фам сипоҳин бошида,  
Ғафлат уйқусида эрдим,  
Айт, нечук фаҳм айладинг?

Сен кўнгил мулкини торож,  
Қалб уйин вайрон этиб,  
Пора қилдингу танимни,  
Жонима раҳм айладинг.

Ошиқ ўлдинг, эй кўнгил,  
Фам лашкаридан қўрқмагил,  
Бари чопку олдда, Эркин,  
Не учун ваҳм айладинг?

## КҮЗИНГ

Хажрдан тор бу күнгилга  
Шуълаафшондир күзинг,  
Ё магар күнглим йўқолган  
Тор шабистондир күзинг.

Хам қоронғу кечадир ул,  
Хам ёруғ кундуз менга,  
Кўзларимда кеча-кундуз  
Чун намоёндир күзинг.

Хусн аҳли ичра тенгсиз  
Сен-ку ҳоқонсан ўзинг,  
Сеҳр мулки ичра танҳо  
Шоҳӯ султондир күзинг.

Турфа бу жодуларингга,  
Термулиб лолмен букун,  
Кўзларим ҳайронлиғига,  
Нега ҳайрондир күзинг?

Ҳисларимнинг елканида,  
Бир адашган йўлчиман,  
Севги бўронин юборган,  
Чексиз уммондир күзинг.

Күзларинг юлдузми, йўқ,  
Юлдуз эрур ҳар учқуни,  
Қорачиғ куйган қўёшу  
Мовий осмондир кўзинг.

Ёр кўзин уммон деб айтдинг;  
Унга сув тўкмок нечун? —  
Бас, ани кўрганда, Эркин,  
Нега гирёндир кўзинг?



## БАНДИ ЗУЛФ

Воҳ ажабким, зулфингга дил  
Қайта-қайта бўлди банд.  
Неча-неча банд бўлишдан  
Ул емабдир зарра панд.

Ишқ сўзин такрор этибдир  
Тўтидек ҳар дам тилим,  
Чунки бу тил лабларингдан  
Тўти янглиғ сўрди қанд.

Шафқат истарман дилингдан,  
Бул юзингдан бир висол,  
Кўзларингдан май сўрарман,  
Лабларингдан нўшханд.

Сунбулинг гар дом эрурса,  
Деймо мен банд бўлай,  
Дард эса ишқинг, бўлай мен  
Бир умрга дардманд.

Ҳажр куйдиргай эмишдир,  
Васл ўлдиргай эмиш,  
Кел, мени куйдирма, ўлдир,  
Менга ўлмоқ не писанд?

Үт ёқиб кетдинг юракка,  
Мен тиярман күз ёшим,  
Чунки истарман, бу гулхан  
Доим ўлсин сарбаланд.

Ташладинг банд айлаб аввал  
Не учун Эркин дилин,  
Йўлда қолмиш оҳу янглиғ,  
Бўйнида тори каманд.



## СЕНГА БАХТДАН ТАХТ ТИЛАРМАН

Сен ғанисан, менда бисёр эхтиёж.  
НОДИРАБЕГИМ

Сенга баҳтдан таҳт тилярман,  
Толедан бошингга тоҷ,  
Мулки ҳуснингга омонлик,  
Тоҷу таҳтингга ривож.

Тоҷу таҳт ташбехидан сен,  
Кӯҳна деб қулсанг нетай,  
Сен ахир шоҳи жаҳоним,  
Мен қулингман, не илож?

Не иложким, давлатим йўқ,  
Ганжи меҳримдан бўлак,  
Бул эваздан кўз тўлайдур  
Қатра-қатра дур хирож.

Кўзларим айлар ҳамиша,  
Арзи муҳтоҷлик сенга,  
Айт-чи, жоним, борми сенда  
Кўз ёшимга эҳтиёж?

Кўп насиҳат тинглаб Эркин  
Қилмади ҳеч тарки ишқ,  
Бор масалким, иш юришмас  
Соҳиби гар бўлса кож.

## САМАР БҮЛҒАЙ

Сенингсиз менга ком йўқдир,  
Асал ичсам заҳар бўлғай.  
Сенинг бирлан ширин сўзим,  
Заҳар ютсам шакар бўлғай.

Юзингга бир умр боқсам  
Тўюрми кўз, қонурми дил,  
На ундан белги пайдо-ю,  
На бундан бир асар бўлғай.

Икки ёр васлини истаб,  
Икки ишқ сўзин эшитсам,  
Икки кўзим кўру, икки  
Кулоғим, майли, кар бўлғай.

Кўзинг учганда кўнглимни,  
Олиб киприкларингга кўй,  
Қошу мужгонларинг кўнглим,  
Кушига болу пар бўлғай.

Тирилса ногаҳон Фарҳод,  
Юзингни кўрса кўзгуда,  
Кечиб Ширинидан юз йил,  
Кўйингда дарбадар бўлғай.

Ҳабибим банд этар күнглим,  
Табибим панд этар доим,  
Билолмасман, бу савдода  
На суду на зарар бўлғай.

Муҳаббат ногаҳон дилда  
Ёзиб куртак, очибдир гул,  
Умидвор Эркининг, жоно,  
Бу гулдан бир самар бўлғай.



## ХИЖРОН ЮКИ

Айлагин жондин жудо  
Этгүнча жонондин жудо.  
Алишер НАВОЙЙ

Розиман тушгунча дилга  
Ногаён ҳижрон юки,  
Ногаён, майли, танимдан  
Айру бўлсин жон юки.

Мен бўлай жондин жудо  
Бўлгунча жонондин жудо,  
Не керак жон, эзса жоним  
Бир умр армон юки.

Лаҳзаи ҳижрон юкига  
Бистун укп...чадур,  
Бир қадоқлик тошча келмас  
Ер билан осмон юки.

Офтоб ҳижронида тонг  
Сабзаларга қўнди нам,  
Ўйлаким, киприкларимни  
Эгди тонг гирён юки.

Ҳажрда ўтган нафасни  
Йил билан ўлчар кўнгил,  
Айрилиқда шеър битибман,  
Унда бир девон юки...

## УЙФОТМАГИЛ...

Тушда күрдим дилбаримни,  
Эй сабо, уйфотмагил,  
Олма бир дам васл шавқин,  
Кўй, мени қўзғатмагил.

Неча кунлар ахтарурман,  
Кўзларимда уйқу йўқ,  
Уйқуда топдим ниҳоят,  
Энди сен ажратмагил.

Сочларин бўйнимга боғлаб  
Шод эрурман бу кеча,  
Кўй, чаманлардан, сабо,  
Гул атрини тарқатмагил.

Севганим, хуршид жамолим  
Васлидан хушнуд кўнгил,  
Сен қуёшци кўзларимга  
Бир нафас кўрсатмагил.

Лабларимда кулгу, гўё  
Тушда қанд кўрган гўдак,  
Кўй, шакар лабдин аюрма,  
Сен мени йиғлатмагил.

Гар йўқотсан бу кеча мен  
Қайга боргум ахтариб,  
Тушда кўрдим дилбаримни,  
Эй сабо, уйфотмагил.

## РАШКИМ

Сени ётлар тугул ҳатто —  
Қилурман рашк ўзимдан ҳам,  
Узокроқ термулиб қолсам  
Бўлурман ғаш кўзимдан ҳам.

Кўзим ёнгай сенга наргис —  
Кўзин тикса чаманларда,  
Яширмам, лолага рашким  
Аён бўлгай юзимдан ҳам.

Дегайларки, чаросу  
Ол гилос олмиш лабингдан ранг,  
Лабинг тегса ҳасад қилгум  
Гилос бирлан узумдан ҳам.

Сени жоним дедим ёлғиз,  
Сени қалбим дедим танҳо,  
Чимирединг қош, пушаймонман  
Кўпол айтган сўзимдан ҳам.

Висол онида кўз очса,  
Не тонг, тонгдан кўнгилда ранж,  
Жудо қилгай мени ой юз,  
Хумор кўз юлдузимдан ҳам.

Сенга ўн тўртда боғландим,  
Ҳануз эркин бўлолмас дил,  
Ўзим доғман, ақл кирмас,  
Тўзимсиз ўттизимдан ҳам.

## ШИРИН

Дилкушо дўст, дилрабо ёр —  
Бирла кечган дам ширин.  
Дўсту ёр бирлан ҳаёту  
Сийнаи олам ширин.

Севги завқи бир томону  
Бода кайфи бир томон,  
Қай бири ортиқ шириндир,  
Қай бириси кам ширин.

Икки гулгун чеҳра бўлса,  
Ўртада гулгун шароб,  
Мен учун майдин ҳам ортиқ  
Суҳбати ҳамдам ширин.

Бу жаҳонда, дейдилар,  
Ҳар кимда бор бир ўзга тъаб,  
Менга май булбулга тонг  
Гул баргига шабнам ширин.

Севгининг дарди фақат  
Беишқ учун бегонадир,  
Ишқи ёр бўлса фироқ —  
Чекканда ҳатто ғам ширин.

Сўйла, дўст, гулгун шаробнинг  
Кайфидан ортиқ на бор?  
Бўсадан лабларда қолган  
Жон сувидек нам ширин.

Эй гулим, севгим ҳақи,  
Майдан мени қилма жудо,  
Менми, ул ортиқ дема,  
Сен ҳам ширин, ул ҳам ширин.



## НА ҚИЛСИН

Ишқ аҳлидир паришон,  
Үзга бино на қилсин.  
Шеър аҳлидир девона,  
Кибру ҳаво на қилсин.

Хусн асли бевафо-ку,  
Гар унга бўлса мағур,  
Хусн аҳлининг ўзида  
Сидқу вафо на қилсин.

Ишқ офатига ошиқ  
Дил амри бирла киргай,  
Дард ила шод экан ул,  
Малҳам, даво на қилсин.

Кўрсат ўзингни — шу бас,  
Кўнглимда бошқа ўй йўқ.  
Айб этмагил тикилсан,  
Кўзда бало на қилсин.

Ёр васлидан тополмас  
Эркин дилига таскин,  
Афсус демакдин ўзга  
У мубтало на қилсин...



## ДУТОРИМ ТОРИ ИККИДУР...

Дуторим тори иккидур:  
Бири қувноқ, бири маҳзун  
Ки, байтим сатри иккидур:  
Бири дилхуш, бири дилхун.

Нигорим чашми иккидур:  
Бири яғмо, бири жоду,  
Бу жодудан икки кўзим  
Бири Сайхун, бири Жайхун.

Жаҳонда икки дилбарнинг  
Бири сенсан, бири Лайло,  
Жаҳонда икки ошиқнинг  
Бири менман, бири Мажнун.

Жаҳонда икки юлдуз бор:  
Бири сенсан, бири Зуҳро,  
Мисоли икки нуқтамнинг  
Бири остин, бири устун.

Жаҳоннинг меҳри иккидур:  
Бири сенсан, бири офтоб,  
Тарозу палласи икки:  
Бири ердур, бири гардун.

Макони икки лочиннинг —  
Бири қоя, бири осмон,  
Қаноти икки шоирнинг —  
Бири ўлка, бири очун.

Ғазал битмакда сачрабдур  
Күзимдан ёш, дилимдан ўт.  
Шу боис икки сатримнинг  
Бири қатра, бири учқун.

Келиб боғ сайридан Эркин  
Ғазалга тўлқин излардим,  
Кириб келди икки дўстим:  
Бири Сайёр, бири Тўлқин.



## СЕВГИНИ ТОРТИБ БҮЛУРМУ...

Севгини тортиб бүлурму  
Тошу тарозу билан,  
Меҳрни ўлчаб бүлурму  
Зар билан, инжу билан?

Айт, қачон күнглимга солдинг  
Ишқ ўттин, эй соҳира,  
Дил ўзи боғландиму, ё  
Боғладинг жоду билан?

Мен сенга күнглимни очдим,  
Ха деб айт, ё йўқ деб айт,  
Бунча қийнайсан дилимни,  
Ўртама кулгу билан.

Нега сенга тик қаролмам,  
Кўзларинг офтобми, ё  
Офтоб аксин кўзга солдинг  
Ўйнашиб кўзгу билан.

Васл умидин тарк этолмай  
Интилар кўнглим сенга,  
Умрини ошиқ ҳамиша  
Ўтказур орзу билан.

## ОЙНИНГ ЎН БЕШИ ҚОРОНҒУ

«Умрини ошиқ ҳамиша  
    Ўтказур орзу билан».  
Ойнинг ўн беши қоронғу,  
    Ўн беши ёғду билан.

Севгида кўксингга томган  
    Кўз ёшингдан фойда йўқ,  
Ишқ ахир шундай оловки,  
    Ўчмагай у сув билан.

Заҳмати ишқ дард эрурса,  
    Заҳмати шеърдур даво,  
Чунки, оғунинг шифоси,  
    Дейдилар, оғу билан.

Барча заҳмат мэнга бўлсин,  
    Майли, доим мен яшай  
Бу ажиб тотли азобу,  
    Бу ширин қайғу билан.

Ёшлигим — умрим наҳори,  
    Ишқу шеърсиз не ҳаёт?  
Тонгни ёлтиз фафлат аҳли  
    Ўтказур уйку билан.

Ёрни мен жоним деб айтсан,  
    Илтифот деб ўйлама,  
У яшар менсиз ва лекин  
    Мен тирикман у билан.

## СЕВГИ

Севги шундай навбаҳорки,  
У тикандин гул қилур,  
Тошга жону тил бағишилаб,  
Зоғни ҳам булбул қилур.

Севги шундай дард эрурки,  
Барча бўлғай мубтало,  
Мубталони неки қилса  
Телба бу кўнгул қилур.

Севги шундай тангридирики,  
Унга тенгдур шоҳ, гадо,  
Кулни айлаб шоҳу султон,  
Шоҳни бўлса қул қилур.

Севги шундай бир оловки,  
Жонга ундан йўқ омон,  
Гулханида ўртаб-ўртаб,  
Бир кун охир кул қилур.

Севгинингдур ҳукми мутлақ,  
Истаса шайдоларин  
Чашми гирёнидан уммон,  
Оҳидан довул қилур.

Севгига шеър битдинг, Эркин,  
Бесабаб эрмаски, ишқ —  
Айлагач кўнгулни ишғол,  
Шеър ила машғул қилур.

## БИР ГҮЗАЛКИМ

Бир гүзалким, ҳуснидан эл  
Лол эмиш, ҳайрон эмиш,  
Ишқи бирлан диллар обод,  
Хонумон вайрон эмиш.

Нуқтадек бир холи бормиш  
Ғунча лабнинг устида,  
Ул бири ошкор эмишдир,  
Ул бири пинҳон эмиш.

Санги дилнинг ҳасратида  
Қанча диллар дард чекиб,  
Кўзларининг ғурбатида  
Қанча қўз гирён эмиш.

Барча шайдоларнинг оҳи  
Жам эса маҳшар бўлиб,  
Хуни дил кўз ёшларидан  
Бир буюк тӯфон эмиш.

Қилгай эрмиш мутриби ишқ  
Ўз мақомини ироқ,  
Шул сабаб оҳангি ушшок,  
Гиряи афғон эмиш.

Кўйида ётмиш кўнгиллар  
Мисли синган кўзгудек,  
Воҳки, ҳар бир парчасида  
Ул руҳи тобон эмиш.

Ул гўзал олмослик эрмиш,  
Ким парилар зотидан,  
Ғойибона ошиқ Эркин  
Толиби даврон эмиш.



## ҮРТАДА БЕГОНА ЙҮҚ

Күйида мен тош бошимни  
Урмаган остона йүқ,  
Элда бор шундай масал:  
Жон чекмасанг жонона йүқ.

Севги водисида менга  
Тенг бўлолгай қайси Қайс?!  
Кўнглим очсам, икки дунё  
Бу каби афсона йўқ.

Шаҳр ичида ҳолатимдан  
Кулмаган бир оқилу  
Хилват ичра менга улфат —  
Бўлмаган девона йўқ.

Не ажабким, маст бўлибман  
Кўзларингга термилиб,  
Етти иқлимда бу янглиғ  
Май йўғу майхона йўқ.

Ишқ ғамин айтсам қаламга  
Ич этин куйдирди ул,  
Севгидек ўт йўқ, қаҳонда,  
Мен каби сўзона йўқ.

Оқ қофозим, сенга Эркин  
Очди пинҳон ишқини,  
Сен бору мен бор, қалам бор,  
Ўртада бегона йўқ.



**АБДУЛЛА ОРИПОВ**  
**(1941 – 2016)**

Йиллар ўтиб кетар таркор ва такрор  
Ёшлик ҳам ўтади бенишон бесас.  
Лекин ўша чоқ ҳам хўрсиниб бир бор  
Севгандим, набирам, дея олсак бас...

## БИРИНЧИ МУҲАББАТИМ

Кеча оқшом фалакда ой бўзариб ботганда,  
Зухро юлдуз милтираб хира ханда отганда,  
Руҳимда бир маъюслиқ, сокинлик уйғотганда,  
Мен сени эсга олдим, биринчи муҳаббатим,  
Эслаб хаёлга толдим, биринчи муҳаббатим.

Ўтди ёшлик завқ билан, гоҳи тўполон билан,  
Гоҳида яхши билан, гоҳида ёмон билан,  
Айри ҳам тушдим баъзан қалб билан, имон билан,  
Лекин сени йўқотдим, биринчи муҳаббатим,  
Мангуда ғафлатда қотдим, биринчи муҳаббатим.

Дунё деган шундайин ёнглаб бўлмас сир экан,  
Гоҳ кенг экан, гоҳида туйнуксиз қаср экан.  
Лекин инсон ҳамиша бир ҳисга асир экан...  
Нечун билмовдим аввал, биринчи муҳаббатим,  
Парво қилмовдим аввал, биринчи муҳаббатим.

Холбуки орзуладан жудо ҳам бўлганим йўқ,  
Юлдуздай кулганим йўқ, ой каби тўлганим йўқ,  
Эрта хазон гул каби сарғайиб сўлганим йўқ,  
Сени эслаб йиғлайман, биринчи муҳаббатим,  
Эслаб бағрим тиғлайман, биринчи муҳаббатим.

Йўлин йўқотса одам — муҳаббатга суянгай,  
Гуссага ботса одам — муҳаббатга суянгай,  
Чорасиз қотса одам — муҳаббатга суянгай,  
Мен кимга суянгайман, биринчи муҳаббатим,  
Фақат эслаб ёнгайман, биринчи муҳаббатим.

Нидо бергил, қайдасан, шарпангга қулоқ тутдим,  
Сирли тушлар кўриб мен бор дунёни унутдим.  
Тонгда туриб номингга ушбу шеъримни битдим,  
Дилдаги оҳим менинг, биринчи муҳаббатим,  
Ёлғиз Оллоҳим менинг, биринчи муҳаббатим.



## СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ

Уйғонгувчи боғларни кездим,  
Топай дедим қирдан изингни.  
Ёноғингдан ранг олган дедим –  
Лолазорга бурдим юзимни,  
Учратмадим аммо ўзингни,  
– Сен баҳорни соғинмадингми?

Узокларда залворли тоғлар  
Хаёлимни келдилар босиб,  
Кечди қанча интизор чоғлар,  
Васлинг менга бўлмади насиб,  
Сенсиз мен ҳам баҳор ҳам ғариб,  
– Сен баҳорни соғинмадингми?

Ўнгирларда сакрайди оху,  
Наъматакда саъва миттижон.  
Қорликлардан сипқарилган сув,  
Дараларда уради жавлон.  
Нигоҳингдан факт мен пинҳон,  
– Сен баҳорни соғинмадингми?

Мана бугун наврўзи одам,  
Дўстларимга туллар тутарман.  
Қайлардасан, севгили эркам...  
Қўлимда гул, сени кутарман,  
Умрим бўйи чорлаб ўтарман  
– Сен баҳорни соғинмадингми?

## МУҲАББАТ

Ҳаёт мендан аямади неъматларини,  
Не истасам берди доим, ҳеч бир тонмайман  
Фақатгина бир ғам ўртар юракларимни,  
Мен муҳаббат тақдиримдан мақтанолмайман.  
Болаликдан ўтиб мен ҳам бўй етиб секин,  
Гоҳо пинҳон, гоҳо асов дарёдай тошиб  
Бир ёш йигит севганчалик севдиму, лекин  
Бошқалардай толе менга бўлмади насиб.  
Кўнгил шишам бир сўз билан қолганда дарз еб,  
Қаламимдан илк мартаба тўкилди ғамлар.  
Сен бўлмасанг дунё ўзи менга надир, деб  
Ичдим ҳатто талай-талай шеърий қасамлар.  
Ўтар экан ҳамма нарса, йўқ экан турғун,  
Ҳатто севги неларгадир бўларкан таслим.  
Бугун ҳаёт нималиги, севги йўриғи-  
Баъри маълум, ҳамасига етади ақлим.  
Юрагимда севги изи топилмас асло,  
На бир афсус, на бир алам чиққайдир ундан.  
Шоир сатрин такрорлайман секин, бепарво:  
“Қайтмас энди, умид қилма кетган тўлқиндан...”  
Сокингина бўлиб қолган юрагим шундок,  
Ўтирмайман у кунларни сўкиб, қоралаб.  
Энди менга бари бирдир, дейману шу чоқ  
Ўзга оташ ахтараман ҳаёт оралаб.  
Ёлғиз туриб юлдузларга боқаман гоҳи,  
Ё ўзимча туш кўришнинг сирин ўйлайман.  
Кайфиятим кўтарганда, тушса нигоҳим,  
Тўғри келган ҳар нарсани шеър деб куйлайман.

Баъзан узоқ қишлоқдаги кекса онамга  
Юбораман маңниси йўқ, пала-партиш хат.  
Ҳамма нарса гоҳо эрмак туюлар менга,  
Ҳамма нарса гоҳо осон кўринар фақат.  
Баъзан эса ўз-ўзидан кетаман тўлиб,  
Титрайман ҳам оҳангларни тинглаб жимгина.  
Ўртоқларим ўраб олар юпатмоқ бўлиб:  
— Айтгин, ахир, нима сенга етишмас, нима?!  
Йўқ, йўқ, ҳаёт аямади неъматин мендан,  
Тўрт мучам соғ, дўстларим бор ҳавас қилгулик.  
Нолимайман на келажак, на ўтмишимдан,  
Иродам бор – келса агар бирор кўргулик.  
Фақатгина бир куч бордир, фақат угина  
Зор йиғлатар, қиломайман мен унга тоқат.  
Ҳаётимда чақнамайсан фақат сенгина,  
Толеъимда сен бўлмадинг, бахтли муҳаббат.  
Кимга шошай, кимни қўмсаб, кимга сиғинай,  
Фариштам, деб оқ ювибу оқ тарай кимни?  
Кимни Лайлім, Шириним деб, бахтим деб атай,  
Ҳаётим, деб чўққиларга кўтарай кимни?!  
Йўқ, йўқ, ўтган муҳаббатни қўмсамайман ҳеч,  
Нима керак кулни титиш, бўлмаса учқун!  
Наҳот қайта севолмасам! Наҳот энди кеч!  
Наҳот энди кўнгил узсам севгидан бутун?!  
О, қалбимга сен ҳам бўшно бўлсайдинг, севгим,  
Айрилиқмас, висол куйлаб қолсайдим ғамда.  
Ҳар қандайин аянчни ҳам улуғлар эдим,  
Мен ўзимни бахтли дердим ҳар қандай дамда.  
Йиғласам-да кулар эдим мағрур ва осон,  
Севгим билан зарб берардим ҳар қандай ғамга.  
Яна қайта севармайми? О, гар севолсам,  
Майли, ҳаёт бор-йўғингни ташла елкамга.  
Ромеодай ўлимга ҳам тайёрман у кез,  
Қотиллик ҳам қилай, майли, Отелло монанд.  
Фақат сен кел, юрагимда армон бўлган ҳис,  
Сенсиз ҳаёт пуч бир нарса, эрмак, омонат...

\* \* \*

Ошиқ учун бундан соз  
Бахт йўқ дедим, жаҳонда.  
Латиф оёқларингни  
Яширган хиёбонда –  
Хузурингга чорладинг:  
“Ошиқ, бунда кел”, дединг.  
“Гуллар ҳажрингда ёнди,  
Маъшуқ бунда, кел”, дединг.  
Гулми, дедим соғинган,  
Борсам, ажиб ҳол экан.  
Жамбил кокилларингга  
Парвона, беҳол экан.  
Дедим: “Мендан ўзга ҳам  
Ҳажрингизда зор экан?!”  
Деди: “Етар, сенга ҳам  
Битта висол бор экан!”  
Ошиқ учун бундан соз  
Бахт йўқ дедим, жаҳонда,  
Латиф оёқларингни  
Яширган хиёбонда....



---

## ЭСЛАШ

Хар тонг қаршилардим сени шу йўлда,  
Билмам, қайларгадир шошиб ўтардинг.  
Илк баҳор селидай тошиб ўтардинг,  
Нигоҳсиз кимсага, на ўнгу сўлга.

Мен дердим, бу қизнинг қайдада гўшаси,  
Йўларида унинг кимдир зормикан?  
О, у севгисидан баҳтиёрмикан  
Ва ё манзилида хазон тўшаги?

Энди йўлларимиз тушди кўп йирок,  
Босилди қалбдаги ўшал тўфонлар.  
Қайдасан, қалбимни тирнаган сўроқ,  
Қайдасан, илҳом баҳш айлаган онлар?

Қайдасан, мен сени унугим келмас,  
Умр йўларимнинг тотли дамлари?  
Бунда ўтган бир йил, қайғу ҳам ҳавас,  
Ёниш, ўртанишлар хаёллар бари ...



Деразангни қоллар оқшом зулмати,  
Изин қора айлаб ботади ой ҳам.  
Нечун мени фақат шу зулмат пайти  
Күчиб ардоқтайсан, нозик фариштам?

Самовий күзларинг сачратиб учқун,  
Нечун тикилади фақат ўшанда?  
О, наҳот шу күзлар ётдир мен учун  
Кундуз машъаласи порлаб турганда.

Тепамда тун каби қуюлади соч,  
Қора тун ёнади оташ юзларда.  
Нечун ўзгаларга нур сочган қуёш  
Бизнинг орамизда бўлади парда?

Нечун иккимизни қолдириб ёлғиз,  
Коинот тубида қуёш чекар оҳ?  
Жавоб бер, қошингда чўкмакдаман тиз,  
Жавоб бер, макрингдан мени қил огоҳ.



\* \* \*

Ўйлардимки, номингни сенинг  
Такрор этмас энди тилларим.  
Кўп бўлмишки, қўмсаб васлингни  
Йўлларингда оқмас унларим.

Мен бепарво яйраб аршимда  
Сен учун ҳам юрадим шодон.  
Нечун пайдо бўлдинг қаршингда,  
Яна кабоб бўлсинми бу жон.

Яна қўшиқ айтайми инグラб,  
Яна андуҳ бўлсинми ишим?!  
Истамайман, ғамимни тинглаб,  
Дўстларимнинг маъюс бўлишин...

Хайр энди, хайр дилрабо,  
Майли куйлай номингни айтиб,  
Катта йўлга чиққанман, аммо,  
Ул сўқмоққа бормасман қайтиб,  
Хайр энди, хайр дилрабо.

## АЙРИЛИҚ ҚҰШИГІ

Асло айрилиқни күйламас эдим,  
Умрим ўтса дердим хушнуд, баҳтиёр.  
Фақат висолингни күйласам дердим,  
Не қилиб қўйдинг сен, бевафо дилдор.

Не қилиб қўйдинг сен?! Алвидо демак  
Наҳот, шунча осон севган кўнгилга?!  
Хайр дейман мен ҳам ва лек ноилож,  
Сенинг хотирангни сақлаб мангуга.

Хайр, дейман мунгли... аммо биламан:  
Қалбимдан шириң куй күйларман яна.  
Дўстларим севгисин шан давраларда,  
Шўхчан висолларин күйларман яна.

Шунда, эй, хотирот заҳар тилингни,  
Шириң дамларимизга қўшмагин фақат.  
Бемаҳал уйғониб йўқолган ишқим,  
Шодумон қалбимни букмагин фақат.

Заҳар қўшма фақат қўшиқларимга,  
Мен шириң қўшиқлар айтмоқ истайман.  
Кулги ила мен ҳам шўх давралардан,  
Тотли хаёл ила қайтмоқ истайман...

\* \* \*

У қўшиқ куйлади ёр шаънига маст,  
Шўхчан шеърлар айтди севги номидан.  
Ҳаммани кулдирди, қиз эса фақат  
Бепарво жилмайиб ўтди ёнидан.

У қўшиқ куйлади ёр шаънига маст,  
Йиғлаб, фарёд чекди севги номидан.  
Ҳаммани йиғлатди, қиз эса фақат  
Бепарво жилмайиб ўтди ёнидан.

У қўшиқ куйлади ёр шаънига маст,  
На кулди, на қатра тўкди ёшини.  
У куйлади мағрур, қиз бўлса шу вақт  
Хузурига келди·этниб бошини.

\* \* \*

Йўлим бошлар,  
Кетарман бир кун  
Сендан йироқ, ўзга томонга.  
Уй ёнидан ўтаркан, секин  
Кўз ташларсан бўм-бўш маконга...

Балки у кун курсида якка  
Турган бўлар ўзгабир одам.  
Балки у ҳам ётиб тўшакка,  
Хаёл сурар эҳтимол у дам.

Балки уни ўхшатиб менга,  
Чақирапсан номимни айтиб.  
Ишонмассан балки кўзингга,  
Балки сўнгра боқмассан қайтиб.

Ёрилмаган ярадай севги  
Унда бизни қийнамас тўлиб.  
Кўчаларда ёр эмас, энди  
Тўқнашамиз бегонабўлиб.

Наҳот биздан қолмас ҳатто мунг,  
Наҳот бўлмас бирор хотирот?  
Ишонмайман, муҳаббатдан сўнг  
Бегоналик бошланса наҳот?!

\* \* \*

Юлдузлар ўтига бардош берурман,  
Фазолар тафтига қилурман тоқат.  
Ёнинг соғ-омон қайтиб келурман,  
Оташ нигоҳингда ёнгали фақат.

Тўлқинлар қутурсин майли, беомон,  
Менинг қисматимни кўмолмагай у.  
Барибир ёнингга қайтаман омон,  
Мовий кўзларингга чўмгали мангур.



---

## ПУШКИНДАН

Ҳаммаси тугади, орамиз очиқ...  
Сўнг бор қўлларингни ўпаркан, пари,  
Шаънигга тўқийман мунгли бир қўшиқ,  
Тинглайман жавобинг: “Тугади бари...”

Энди алдовларни қилмасман расм  
Ва сени алам-ла ахтармоқ нечун?!  
Ўтди... ўтганларнинг унут ҳаммасин,  
Севги яралмаган фақат мен учун.

Сен ёшсан, қалбингнинг гўзал маҳали,  
Севимли бўларсан кўпларга ҳали...



\* \* \*

Кўпдан кутган эдим орзиқиб мана,  
Булутлар тарқалди тўкишиб кўз ёш.  
Хаёлим осмондай ёришди яна  
Ёруғ кунларимдай порлади қуёш.  
Шошқин дарёларнинг зангордир лаби,  
Шамоллар ўйнайди йироқ-йироқда.  
Юргил, сайд этайлик, юргил, малагим,  
Дунё ташвишлари қолсин узоқда.  
Кўряпсанми, қандай яшармиш олам,  
Бепарво гўдакдай жилмаяди жим.  
Гўдагим, бу чирой қайтмайди ҳеч ҳам,  
Қайтмагани каби менинг ёшлигим.  
Бугун бош устингда яшнаган япроқ  
Шовуллаб тўкилар эрта пойингга.  
Бу учкур йўловчи солмайди қулоқ,  
Сенинг илтимосинг, сенинг раъйингга.  
Хазонли августнинг бирор оқшоми  
Уни кўрарсанми тушингда такрор?!  
Майлига, ўзгадир кузнинг илҳоми,  
Бугун-чи кўз ташла: атрофда баҳор!  
Қани, кўлгинангни бергил жимгина,  
Шу масъул йўлчига қўяйлик ихлос.  
Шоирлар алдайди бизни, жонгинам,  
Баҳор доим эмас, уч ойдир, холос...

\* \* \*

Хайр энди...

Қалбимда бир видо қолди,  
Хайр энди, сен кетдинг, бегуноҳ оху.  
Бугун сен қайдасан? Қайларда қолдинг?!  
Бугун бош устингда кимнинг паноҳи?!

Сени кеч топгандим, эрта йўқотдим,  
Қарғагин, лойиқман сенинг қаҳрингга.  
Ўзгалар қалбида қадр уйғотдим,  
Бироқ етолмадим ўзим қадрингга.

О, инсон қисмати, бунчалар чигал,  
Бунчалар хилма-хил фоже ва аза.  
Қисматим, ўзимман гуноҳкор бу гал,  
Наҳот, гуноҳкорга қўшиқдир жазо?!

–Хайр энди...

Қалбимда бир видо қолди,  
Хайр энди, сен кетдинг, бегуноҳ оху.  
Бугун сен қайдасан? Қайларда қолдинг?!  
Сен бугун кимларнинг масъум ҳамроҳи?!

Қайси бир одамнинг баҳтига ёрсан,  
Очилдими сенга толе дарчаси?!

Бугун сен кимларнинг меҳрига зорсан  
Менинг юрагимнинг мажруҳ парчаси.

\* \* \*

Чувалади ўйларим сенсиз,  
Хәёлимга тароқ ургайман.  
Менинг қўлим етмаган юлдуз,  
Тушларимда сени кўргайман.

Баланддасан тоғлар қоридан,  
Чақирасан мени илгари.  
Ёлбораман арвоҳ ортидан  
Интилгувчи Ҳамлет сингари.

Маҳшаргача, майлига, кетай,  
Кетай, майли, бўлиб овора.  
Сени сўраб қўймаса нетай,  
Ерда қолган севги бечора.



\* \* \*

Кўйгил, у кунларни эслатма менга,  
Қалбимни ёқмасин бу хазон фаслинг.  
Энди, бегонаман, жонгинам, сенга,  
Энди бегонадир менга ҳам васлинг.

Гоҳида севиниб, гоҳи ғамдадир,  
Ишқ узра ёзардим мен эркин қанот.  
Билмайман қайси кун, қайси дамдадир,  
Менинг қисматимга чанг солди сайёд.

Унинг қўлидадир бу кун имконим,  
Бу кун ҳамроҳимдир гўзал изтироб.  
Кўйгил, у кунларни эслатма, жоним,  
Кўйгил, юрагимга сен берма азоб.

Ўзгалар юзимга боқса ҳам ҳайрон,  
Фақат сен томоша қилма ҳолимни.  
Фақат сен шеъримни севма ҳеч қачон,  
Фақат сен ҳимоя қилма номимни.

Дариғ тут ишваю назокатларинг,  
Фақат сен юзимга боқмагил кулиб.  
Ҳайҳот, энди барча илтифотларинг  
Менга туюлади масхара бўлиб.

---

## СЕВГИ ЎЛИМИ

Ёмғир тинмай ёғди кун бўйи,  
Ёмғирли кун каби эзилди дардим.  
Яйдоқ кўчаларда жим юрган кўйи  
Сенинг изларингни ахтардим.

Уфқларда эса аччиқ бир туман  
Менинг кўзларимга қуярди заҳар  
Увишган қалбимни сокинлик билан  
Эзар эди бўм-бўш бу шаҳар.

Энди сен тутмассан асло қўлимни,  
Ўтган севгим учун очмассан аза.  
Оҳ, қандай ўлим бу севги ўлими,  
Унга на қабр бор ва на жаноза.

---





\* \* \*

Севгидан сўйлардинг у кун энтикиб,  
Сўйлардинг висолнинг яқин келишин.  
Мен бўлсам кўзимни қайгадир тикиб,  
Ўйлардим дунёning савдоли ишин.

Бугун-чи, бир ўзим, юрибман танҳо,  
Севги ҳам, висол ҳам бўлгандир алас.  
Барчаси мангуга тарк этди, аммо  
Фақат ўша ўйлар тарк этган эмас.



\* \* \*

Ёндиму валекин ҳижрон тунида  
Сенга аҳволимни этмадим баён.  
Сокин кечалари кўзим ўнгига  
Мунис қарашларинг бўлди намоён.

На сен назар қилдинг ҳолимга бир бор,  
На мен айта билдим сенга бирор сўз.  
Шундай ўтиб борар умримиз бекор...  
Орамизда сарсон бир жуфт қора кўз.





## ИЛК СЕВГИ

Оддий машинани күрса болалар  
Хайратга тушишни канда қилмайди.  
Олис-олисларда улкан кемалар  
Учиб юрганини улар билмайди.

Биз-чи, дунё ишин биламиз андак,  
Оила қурамиз, бола күрамиз.  
Лекин машинаға боққандай гүдак,  
Хамон илк севгини эслаб юрамиз.





## ИЛТИЖО

Юзларингни майлига яшир,  
Керак эмас, нозлар, имолар,  
Гўзалликнинг қошида ахир  
Чўкка тушган ҳатто худолар.

Кимга фойда бехуда жунун,  
Ва дунёга ғавғо солишдан.  
Айрилиқдан қўрқмасман бу кун  
Мен қўрқаман севиб қолишдан.



## МАКТУБ

Ғазаллар тұқырдим сенга бир замон,  
Құшиқлар айтардим тунлар бошингда.  
Начора, ушбу күн ўзға бир инсон,  
Үзға бир мұхаббат турар қошингда.  
Әшитдим, хазонли боғларда танқо  
Үтказар әмишсан сокин пайтларни.  
Сарғайған дафтаринг вараклаб гоҳо<sup>1</sup>  
Такрорлар әмишсан маҳзун байтларни.  
Мен ҳам тонглар баъзан йўлга қарайман  
Мунаввар қуёшга кўксимни очиб.  
Сенинг хаёлингдан мадад сўрайман,  
Сенинг хаёлингга бораман қочиб.  
Лекин қутулмоқ йўқ ҳижрон дастидан,  
Фақат қалбимизда бардош ва сабот.  
Дунёда жамики ҳислар устидан  
Қаҳқаҳа уради қадим бу ҳаёт.  
Надомат нимага ва афсус нечун?  
Оlamda неки бор ўчар бешафқат.  
Бизнинг вазифамиз кўникмак беун,  
Бизнинг вазифамиз унутмоқ фақат.  
Йиллар ўтиб кетар такрор ва такрор,  
Ёшлик ҳам ўтади бенишон, бесас.  
Лекин ўша чоқ ҳам хўрсиниб, бир бор  
Севгандим, набирам, дея олсак бас...

\* \* \*

Ҳаддим борми сизга бир сўз демакка,  
Ҳатто узр айтмоққа сиғарми ҳаддим?  
Сизнинг ҳуснингизга боққали якка,  
Қанча савдоларни бошдан ўткардим.

Сизга икки олам борича нисор,  
Сиз икки оламдан баландсиз мутлақ.  
Сизга фақатгина термулмоқ даркор,  
Сизга фақатгина лозим сиғинмоқ.



## ТҮЛИН ОЙ

Кексайган ҳилолим, эй сен, түлин ой  
То ҳануз бузурсан ҳаловатимни.  
Ёдимга солурсан энди, ҳойнаҳой,  
Сочлари оқарган муҳаббатимни.

Йилларим кечдилар елдири мисол,  
Ғунчалар бағрига хаёлдай индим.  
Энди-чи, толиқиб, ҳорғин ва беҳол,  
Форларга бекинган шамолдай тиндим.

Билмадим, қайдадир ётар сарғайиб,  
Оташин ҳисларим ўралган дафтар.  
Қайсиدير гүшада бўлмишдир ғойиб,  
Бир замон қўлимдан учган у капитар.

Энди висол ўзга, ўзгадир фироқ,  
Түлин ой, ўтингчим ёдингда тутгин.  
Бизнинг томонларга йўлинг тушган чоғ  
Менинг кулбамга ҳам мўралаб ўтгин..

## КҮНГИЛ

Мендан күнгил уз дейсан,  
Қандоқ қилиб узурман.  
Сендан күнгил узган чөф,  
Хазон каби түзурман.  
Тош каби ё күчгайман,  
Тоғларимни айлаб тарк,  
Күш каби ё учгайман,  
Боғларимни айлаб тарк.  
Ё денгизсиз қайиқдай  
Қолиб кетгум узлатда,  
Карвонидан адашган  
Кимса каби кулфатда.  
Ё ўт тушган дараҳтдай  
Ич-ичимдан ёнгайман,  
Сен бўлмасант, муҳаббат  
Каъбасидан тонгайман.  
Мендан күнгил уз дейсан  
Қандоқ қилиб узурман,  
Қандоқ қилиб бу күнгил  
Иморатин бузурман.  
Ўзингга ҳам азизим,  
Раҳм этсанчи бир қадар,  
Не бўлурин билмассан,  
Сендан күнгил узсан гар.  
Ўйлайсанки, бир тараф  
Омон қолур, соғ қолур.  
Узилган ул жойда ҳам  
Чандиқ қолур, доғ қолур...

---

## МЕНГА ХУШ ХАБАР АЙТ...

Менга хуш хабар айт, ёлғон бўлса ҳам...  
Дарду мاشаққатлар ўтгайдир бари,  
Ўксима, оёққа тургайсан, деб айт.  
Умрингни фараҳбахш, тотли онлари  
Ҳали олдиндадир, кўргайсан деб айт.

Менга хуш хабар айт, ёлғон бўлса ҳам...  
Дўстларинг бордир-ку ҳали дунёда,  
Сени кулфатларда қолдирмас деб айт.  
Ёвузлик бўлса ҳам ҳаддин зиёда  
Сени чангалига олдирмас, деб айт.

Менга хуш хабар айт, ёлғон бўлса ҳам...  
Олис муҳаббатинг сўнмаган ҳамон,  
То ҳануз унутмай юрибди дегил.  
Сарғайган дафтарин варақлаб пинҳон,  
У сени тушида кўрибди дегил.  
Менга хуш хабар айт, ёлғон бўлса ҳам...



---

## ХАБАР

Турфа хабарларни тинглаймиз ҳар кун,  
Қайдадир тошқину, қайдадир бўрон.  
Хабарларга тўла бу олам бутун,  
Хабарларга тўла ҳар лаҳза, ҳар он.

Дайди шамолнинг ҳам муждаси бордир,  
Кабутарлар берар поклиқдан хабар.  
Телефонлар эса доим бедордир,  
Хабар тарқатади то тонгга қадар.

Олис қитъалардан хабарлар келар,  
Келар соғинч саси, ғазаб ё алам.  
Учқур ракеталар фазода елар,  
Келади уларнинг хабарлари ҳам.

Хабар кутиб ўтар кунларим секин,  
Хабарлар тўхтамас, бундан кўнглим тўқ.  
Биз битта шаҳарда яшаймиз, лекин,  
Сендан хабар йўқдир, сендан хабар йўқ....

---

## БЕГОНА

Кўчангдан адашиб ўтсам ногаён,  
Менга ғаним каби ёвқараш қилма.  
Майли сийламагин мисоли меҳмон,  
Майли гап қотмагил, назарга илма.

Сен учун на япроқ ва на томирман,  
Янгилик эмасдир ахир бундай ҳол.  
Ахир мен адашиб ёққан ёмғирман,  
Ахир мен адашиб эсган бир шамол.

Кимдир шерик бўлса гар ҳаётингга,  
Унинг баҳосини бергайсан шул дам.  
Ноил бўлолмадим илтифотингга,  
Мен лойиқ эмасман нафратингга ҳам.

Қалбинг дарвозаси беркдир мен учун,  
Унинг калити бор сенда ягона.  
Кўчангдан адашиб ўтдим, сен тушун,  
Кўчангдан адашиб ўтди бегона.

---

## МАЛАК

Менга барибирдир энди кўп ҳолат,  
Майли сен қадримга етгин ё етма.  
Бегона одамдек қарама фақат,  
Мени кўрганингда бурилиб кетма.

Гўзал ёшлигингнинг менман гувоҳи,  
У ёруғ кунларни фаромуш этма.  
Ахир шайдоликнинг йўқдир гуноҳи,  
Мени кўрганингда бурилиб кетма.

Дуосиз юрма ҳеч, ёмон кўзлар бор,  
Чаманлар турфадир, қоқилиб нетма.  
Ерга кўникмаган малаксан, дилдор,  
Мени кўрганингда бурилиб кетма.

---

## АГАР СЕНСИЗ...

Күёш чиқиб чарақлайди тенгсиз бу олам,  
Күшлар сайрар, эсар тонгнинг шамоллари ҳам.  
Бамисоли қайтабошдан туғилгай одам,  
Агар сенсиз ўтар бўлса, онларим бекор,  
Тандаги бу жоним бекор, шонларим бекор.

Ой балқади, биллур кўкни шуълага чайқаб,  
Ол шафақни симиради булутлар чанқаб.  
Юлдузлар ҳам рақсга тушар, ненидир пайқаб,  
Агар сенсиз ўтар бўлса, онларим бекор,  
Тандаги бу жоним бекор, шонларим бекор.

Битта сен, деб бу дунёда юрган мен ўзим,  
Гардларингни тўтиёлар айлагай кўзим.  
Исминг айтсан, садоларга тўлади сўзим,  
Агар сенсиз ўтар бўлса, онларим бекор,  
Тандаги бу жоним бекор, шонларим бекор.

Мен ошиқман, меҳр кўргаз, назарга илгил,  
Сендан ўзга қиблам йўқдир оламда, билгил.  
Азал касбинг раҳмдилсан, раҳмлар қилгил,  
Агар сенсиз ўтар бўлса, онларим бекор,  
Тандаги бу жоним бекор, шонларим бекор.

Умид ёрким, факат сенсан ой ва қүёшим,  
Маҳшаргача тик боқолмас, эгилган бошим.  
Сақлан, жоним, то тутмасин кўздаги ёшим,  
Агар сенсиз ўтар бўлса, онларим бекор,  
Тандаги бу жоним бекор, шонларим бекор.

Фалакларнинг саломига чиққин сен қулиб,  
Баҳра олсин замин, осмон шавқларга тўлиб.  
Остонангда турибман мен, Абдулло бўлиб,  
Агар сенсиз ўтар бўлса, онларим бекор,  
Тандаги бу жоним бекор, шонларим бекор.





ХАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА  
(1947-2018)

Бир сен эмас, ё бир мен эмас,  
Ишқ майини ичмоқни ҳавас  
Қилган. Ичиб ўлган шўху маст,  
Сўнг тахири чиққач, деган «бас».  
Бир сен эмас, ё бир мен эмас.

...га.

Тақдир улаганда умрлар занжирин  
Ногоҳда рўпара бўлдик иккимиз.  
Тушунмай яширин қалбларнинг сирин,  
Ҳиссиз, йўл бошидан бирга тушдик биз.  
Буни тилим билан олмасам ҳам тан —  
Биласан, юрагим бегона эди.  
Уларни мен бу тун қуёш ботганда,  
Эсадалик дафтарга ёзяпман энди.  
Кўзимни чирт юмиб сени эсласам,  
Қийнайди ўтмишнинг ўқинчи, дарди.  
Беихтиёр қалқир кўзларимда нам.  
Ўйлайман «севарди, севсам бўларди».  
Биласан, йўқ эди дилимга ҳоким,  
Уни ўзга бирор этмаганди жалб.  
Мағрур, қушдай эркин эдим ва лекин,  
Шунингдек сенга ҳам беролмадим қалб.  
Тушдай ўтиб кетди бугун ҳаммаси,  
Юракни фойдасиз ўртамоқ нечун.  
Ўтди, аммо дилда қолди чамаси  
Азоби, ўзим рад қилганим учун.  
Бу чигал ҳатони тузатолмайман  
Тундай юрагимни очаман тунда.  
Энди-ку сенга қўл узатолмайман,  
Хайрлашолмайман ҳам мангу-мангуга.  
Нурли тонг оқарап, тун бўлар охир,  
Сенга тилакларим шу тонг каби оқ.  
Қизиқ, гоҳ баҳтинг ҳам мен учун оғир,  
Баҳтсизлигинг эса, яна оғирроқ!

\* \* \*

Үчган ўтни ёндиңма қайта,  
Ёмон, ёмон унинг ёниши.  
У қизишиб, гурлаган пайтда,  
Мушкул уни ўчирмоқ иши.  
Илтимосим, қайта ёзма хат,  
Үйнатмасин юракни нидо.  
Биз бир фурсат бўлғанмиз улфат,  
Ва мангуга айтганмиз видо.  
Айбдор сенми ё мен гуноҳкор,  
Суриштиromoқ пайтимас, дўстим,  
Ёз-у, бизнинг дилга чўккан қор,  
Дил қорини ким кўрибди, ким?!  
Кўникканман энди барига,  
Энди мен шод қўшиқ айтаман.  
Эътиқодим занжирларига,  
Зарб теккизма, энди қайтадан.  
Кеч гуллаган экинлар совуқ  
Изғиринда бўладир нобуд.  
Қайта ёқма сен ҳам ўтни, йўқ,  
Кул қиласдир бизларни у ўт.



## БИР СЕН ЭМАС...

Бир сен эмас, ё бир мен эмас,  
Ишқ майини ичмоқни ҳавас  
Қилган. Ичиб ўлган шўху масти,  
Сўнг тахири чиққач, деган «бас».  
Бир сен эмас, ё бир мен эмас.

Суюмлидир қизлар бари бир —  
Тош қалбларни ёққан. Ийдирган  
Гарчанд кўпни суйган, суйдирган  
Кимларнидир доғда куйдирган —  
Суюмлидир қизлар барибир,

Йигитда ҳам эмас ҳамма айб,  
Шўх нигоҳлар тузоқ соглан дам,  
Сирли баҳтдан кўзда шавқу нам,  
Пайти келиб, бу баҳт бўлса кам,  
Йигитда ҳам эмас ҳамма айб.

Ишқ ҳақида оҳ-воҳ қилма, бас,  
Севган бир сен, ё бир мен эмас...

\* \* \*

Хайр дейман сенга мен бу кеч,  
Умр бўйи қайтарили мас хайр.  
Кўзларимда сезиб бир ўтинч,  
Ўз бағрига олади дайр.

Бир кемадай Дайр денгизини  
Тинчин бузиб сузиб кетаман.  
Балиқчадай сезиб ўзимни,  
Тўлқинларни қувиб етаман.

Тўш урган қуш, қувноқлар билан  
Ўйнашганим баъзан толдирап.  
Жимжит, жимжит қирғоқлар билан  
Сўзлашганим ҳайрон қолдирап.

Ҳамма билан топишарман тил,  
Ҳаймасига бўларман суюк.  
Ўз суюгин топмас фақат дил,  
Кундан-кун зил юракдаги юк.

Сезиб туриб Сенсиз баҳтим «ҳеч»,  
«Хайр», дейман кўз юмиб бу кеч.



## СИЗ ЙҮҚЛАБСИЗ...

Сиз йүқлабсиз «мехр күргизиб,  
Келмаслар», — деб армонли.  
Сиз бош эгиб йүқлайсиз-у  
Аярмидик биз жонни.  
Шундай йүқлаб келгандик бир,  
Тополмадик, на илож,  
Кийдирмоқчи эдик ахир  
Бошиңгизга баҳтдан тож.  
Йүлиңгизга алвон-алвон  
Чечак сочсак дегандик.  
Умр боғида шўх-шодумон  
Ғунча очсак дегандик.  
«Айтсам, рад этса, қўйса чек»,  
Андишангиз эшитиб,  
Биз ўзимиз очмоқ бўлдиқ  
Толеингиз эшигин.  
Излаб келсак, мана, йўқсиз;  
Гурурли дил хомталаш.  
Қайтмоқдамиз йўл шукуҳсиз,  
Қайтмоқдамиз кўнгил ғаш.  
Ўч ҳиссими кўзда қалқир,  
Бир лоқайд, бир хотиржам.  
Эртанги кун йўқлаб балки,  
Сиз топмайсиз бизни ҳам.

## БИР ДАҚИҚА

Биз учрашиб, ажралишган бир дақиқаны —  
Үтмиш қори күміб кетди, бўлмайди кураб.  
Фақат хотирга тушганда титрайди таним,  
Кўзларимдан аччиқ ёшлар кетар тирқираб,  
Мени эслаб сиз ҳам хомуш тортар эмишсиз,  
Сезмасин деб кўз ёшингиз артар эмишсиз.

Бу ҳам бир баҳт, бошқа-бошқа дунёда юриб,  
Унутилган баҳтни кўмсаб, тўксак агар ёш.  
Йиллар бизнинг қўша изни кетгач супуриб,  
Йиллар танҳо дилимизни қилиб кўйгач фош,  
Ёш тўкамиз, бу ёш энди баҳтни ёд қиласар,  
У юракдан қон сингари сирқиб томчилар.

Бу ҳам бир баҳт, бирга бўлсак бизлар, эҳтимол,  
Агар қисқа бўлмасайди ўшал дақиқа,  
Бунча оғир бўлмасайди бу дўзахий ҳол,  
Сифинмаган бўлардикми бугунгидақа,  
Сезиб туриб бўлишимиз кўп ўтмай жудо,  
Бир-бировга олов янглиғ кўриндикми, ё?

Ўша куни мен насиҳат қилдим кўп совуқ —  
«Ранжимангиз, йўлимизнинг айрулиги рост».  
Аммо бугун бу гапларга ўкинганим йўқ,  
Вақти-вақти келиб шундай эслайман, холос.  
Бу эсламоқ тароватли, хароботли зап —  
Сайроқ қушинг ўз қўлингда жон бергандай гап.

Бир дақиқа...

Ортда қолган қоп-қора тун бағридаги нур,  
Барча шукух, азоб учун Сенга ташаккур.

\* \* \*

Сиз билан қайтадан күришмасмиз биз,  
Биз юрган сүқмоқни ўт-ўлан босди.  
Юлдуздай икки ён учдик иккимиз,  
Нурга ғарқ бўлганда юлдузлар ости.  
Бу оқшом оламни нурга ғарқ этди,  
Туташ юракларни, аммо, тарқ этди.

Ёнма-ён турмаган мисоли учдик,  
Абадул-абадга менсиз яшайсиз.  
Кузатар эмишсиз суратимни лек,  
Йўлга умид билан нигоҳ ташлаб сиз,  
Қорасин кўрсатмас, — дер эмишсиз лол  
Йўлдан изларимни супурган шамол.

Тушуниб-тушунмай баҳт ошиёни  
Тарқ этдик, қайтадан учиб бормасмиз.  
Ва амин бўлингки, чиқса ҳам жоним,  
Кетганим кўчадан солмагайман из.  
Билмассиз лек ниҳоҳ Сизни кўрганим,  
Дунёга сиғмай шод, маъюс юрганим...

Интиқ туйғуларим, ўйларим маним  
Ўжар ғуруримнинг қурбони бўлур.  
Умрим сўнгигана Сизнинг эканим,  
Шу ўйим, куйимни ёритгувчи нур.  
Бундай тоқ ва лекин пок севолгай ким,  
Бу тақдирдан зарра зорим йўқ, бегим!



## МЕН ОРТИНГДАН ИЗ БОСАМАН

Мен ортингдан из босаман, қор қўмади, қорда  
гуноҳ,  
Сен ҳақингда куйлай десам, узилар тор, торда  
гуноҳ.  
Мактуб битай десам ногоҳ, синар қалам, синар  
қалам,  
Кўрай десам булат тўсар ва зим-зиё бўлар олам.  
Доим шундай —  
Сен ҳақингда ўйлаганд, нимадир йўқ,  
нимадир кам,  
Иккиланиб босилган йўл унмас экан,  
унмас экан!  
Иккиланиб из босаман...



## АЛЬБОМ ВАРАҚЛАГАНДАГИ ЎЙЛАР...

Бул кун альбомимга ташладиму күз,  
Баргдай титраб кетди ногоҳ юрагим.  
Эсладим ёнимда жилмайиб бесүз,  
Қандай итоаткор, шодмон юрардинг.

Мен ҳам хандон ташлаб эрка, хушқилиқ...  
Бироқ тез тугади севги мавсуми.  
Үтди кунлар ширин туйғуга түлиқ –  
Үтди, энди ортга қайтмагай зуми.

Билмам кимдир сепди күзларимга қум,  
Күрмоқ истамадим, сени қайта мен.  
Энди... альбомимга ёш түкиб юм-юм –  
Жонсиз суратингга сирим айтаман.  
Заифмиз, ҳаётнинг аччиғин, тотин –  
Сезмаймиз ишимиз өз келдими, ўнг.  
Ўз қўлимиз билан баҳтимиз отин –  
Бўшатиб ҳайдаймиз, қидирамиз сўнг.

Энди расминг билан сирлашиб юрсам  
Айби йўқ, чунки сен суратдан заиф  
Сен менинг кўзимда замчи ёш кўрсанг,  
Дилимга ўқ отиб, қилурсан майиб.

Ёш кўрсанг минарсан ғурур отига,  
Ёш кўрсанг қаҳқаҳа солурсан ғолиб.  
Тутун, ўт қўщарсан дилим ўтига,  
Шул сабаб кетгайман юракдан олиб.

Армонни юракка яширгум қат-қат,  
Дил тубида ўзи ёниб бўлгай кул.  
Бир умр сирдошим бўлғуси сурат –  
Оғзидан гулламас тил чиқариб ул.

Армонли кўксимни тутгайман баланд –  
Кетди, энди ортга қайтмагай кема.  
Токи сен сирлашиб бирор дўст билан,  
“Ишонардим шундай бўлар деб”, - дема.



\*\*\*

Нафармон гулларга тўлганда олам,  
Нафармон сиёҳда сенга ёздим хат.  
Ёздиму, сезмади ҳаттоқи онам,  
Сезмади сершовқин бу замин, хилқат.

Улар майли, сен ҳам сезмасдай бўлдинг –  
Жўнатмадим мен ҳам ёзган мактубим.  
Бугун хазон бўлиб гуллар тўкилди,  
Хазон ўйларимни ким тинглайди, ким?

Ажаб, не ҳол, сенинг кўзингда ҳам нам,  
Ардоқлагим, сенинг армонинг надир?  
Сен сезмадинг, мен ҳам дардимга малҳам –  
Сени изламадим, қалбим куядир.  
Ёки...

Алдадими бизни ғуур ё рўё  
Сезмай қолдимми мен муҳабатингни?  
Сен ҳам  
Қолдирган эдингми, жўнатмасдан ё  
Нафармон сиёҳда ёзган хатингни?!

## ҚҮРҚАМАН..

Қизғаниб- қизғаниб севасан қизғич,  
Билмайман, севгингдә қай ўт, сеҳр бор?!  
Рашклисан, ох, сенинг рашкин бетизгин,  
Қүрқаман, қийнали айлайсан абгор.

Тўлқинлар ортиқча шошиб интилар,  
Қайсики, манзилга етолмайдир ул.  
Тўғонлар дуч келиб йўлларда тинар,  
Ҳаво қуруқ келиб ё қурир буткул.

Кўксингни кўйдирган у жодули ўт,  
Жоним ипларга борар туташиб,  
Кўнглим осмонида тарқалар булат,  
Яширин қувончдан кўйилар ёшим.

Кўксингни кўйдирган у оғули ўт,  
Ортиқ чатнаб ёнар; қўрқув илинжим –  
Ногоҳ ўт ўрнида қалқиб қолса дуд?!  
Яширин қайғудан ёш тўкаман жим.

Қизғаниб-қизғаниб севасан қизғин,  
Бу ишқда кўзт ёшу шўх алнга бор.  
Рашклисан, ох, сенинг рашкинг бетизгин,  
Қўрқаман, қизғаниб айларсан абгор.



## “СИЗГА” туркумидан

Сиз топмишим, йўқотмишиммас,  
Сор лочиним, ожиз қушиммас.  
Сиз дунёда рост деб тутганим —  
Тутолмаган ёлғон тушиммас.

Сизга фидо бўлмоқ истайман,  
Сиз деб адо бўлмоқ истайман.  
Аста-аста йўқотмай Сизни,  
Бирдан жудо бўлмоқ истайман.

Таранг тортмоқда симлар, айтинг, —  
Хаёлларга толсинлар, айтинг.  
Сиз — жон, олса жоним қийнамай,  
Бирданига олсинлар, айтинг.  
Сиз топмишим, йўқотмишиммас...



\* \* \*

Бир мактуб сингари хотирамни мен  
Үчириб-үчириб яшаётибман.

Дилимни ўртаган армон, ғамни мен  
Қоғозга кўчириб яшаётибман.

...Сиримни яширмай тўқдим мен тунга,  
Тун бўйи йиғлаган бўлса ҳам байтим.  
Кундуз ёниб-излаб келганда унга  
«Вақтида айрилдик, яхши», деб айтдим.

Тун бўйи кўзимдан аччиқ ёш сизиб,  
Безабон армондан ўқисам ҳам дарс,  
Тонгда у келганда «Уйқумни бузиб...  
Тағин Сиз!..» юзига эшик ёпдим қарс.

«Барибир эшикни очолмас бирор,  
Келаман», — жимлик... сўнг йилларки  
мушкул..

Энди у келгунча сочимга қиоров —  
Қор ёғар, сўнг таний олармикин ул...

Қоплагани учун бир зум кўзни хоб —  
Балки умрим бўйи берурман жавоб.



\* \* \*

Сизга ишқим, Сизга қарғишим,  
Үзга излаб мендан топмас из,  
Бу дунёда менинг бор ишим —  
Сизга тушди, бир Сизга ёлғиз.

Адашдим-да ёлғонга йўйидим —  
Ишқингизни, қўл силқдим, «бекор!»  
Шошиб ғурур гултожин кийдим,  
Энди бошдан олиб қўймоқ оп.

Энди дунё ишин қарангки,  
Ишқ ортидан қул бўлармиш шоҳ,  
«Унутдим», деб сарғаяр рангим,  
«Севмайман» деб жим чекаман оҳ.

Сиз деганда мен синмас торман  
Кута-кута кўзим йўл ўйиб,  
Умрим бўйи қарғаб ўтарман —  
Умрим бўйи жонимда суйиб.

Гарчанд ҳижрон талхдан-талх майдир,  
Мен ичардим, бўлганда ҳам қон.  
Қарғишиларим Сизни ургайдир,  
Соғинчларим сақлайдир омон.

\*\*\*

Мен Сизни алдашни күрмайман раво,  
Тушунинг, шу ўзи мен учун басдир.  
Сезаман, мендаги бу дард — бедаво,  
Истаганим билан бу ишқ сўнмасдир.

Мен Сизни алдашни күрмайман раво,  
Эҳтиёж сезмайман ортиқ тиракка,  
Мен учун қачондир куйланган наво,  
Эндиғи наволар сиғмас юракка.

Сиздай содик дўстни алдамайман, йўқ,  
Ишонинг, бу йўллар тушмас бир изга.  
Кўксимга қачондир текканди бир ўқ,  
Ярадор қалб билан бормайман Сизга.



---

## КЕЧИРИНГ...

Мен Сиздан сўрайман бу кеч кечирим,  
Хижрон бўлганим-чун бўлмайин висол.  
Гарчанд умрингизни тонги, кечини —  
Аралаш қилдим мен карталар мисол.

Ўйлайсизми, мени қилди деб атай,  
Сизга бурилмасдан кетганим-чун тик.  
Мен дардли кўксимни ёриб кўрсатай —  
Борми унда Сизга зарра ёмонлик.

Гарчанд, оқлай олмас ўзин айбдор дил,  
Ишонинг, сезмасдан қолдим мен у чоқ  
Табиб бўлайин деб бўлганим қотил,  
Малҳам бўлайин деб урганим пичоқ.

Беаёв ишқингиз ўтиң ўчирдим.  
Кечира олсангиз агар, кечиринг.

---



\* \* \*

Мен кетиб бораман, қорамтири само,  
Кувлашиб ўйноқи шамоллар билан.  
Тақдиримда минги аралаш, аммо  
Бири ечилмаган саволлар билан.

Мен кетиб бораман, ёришади күк,  
Ногаҳонда овоз... нега бўшашидим.  
Чақирманг, ортимга қайтолмайман, йўқ,  
Чақирманг, йўқ эса қайтгудай шашдим.

Мен Сиз чорлаган пайт ожизман, айтдим,  
Кетсам ҳам қулоғим, кўзим беркитиб,  
Қайтмасам, юрганим йўлим унмайди.  
Қайтсам, келолмайман Сизга ҳам етиб.

Гарчанд Сиз сиғинган шоҳман, пирман мен,  
Аро йўлда қолиб адодирман мен.



## АЛВИДО ДЕНГ

Алвидо дeng, алвидолар айтинг сүнгги бор,  
Күзингизни юмиб, кейин мендан булинг юз.  
Тоқатим тоқ, боғингиздан учаяпман, ёр,  
Қарғамангиз, боғингизга келар бўлди куз.

Мен билмайман, тушган йўлим хатоми, хайрли,  
Ростин ёзай тун зулмати ўраб келган чоқ,  
Гарчанд тушмаган бўлсам ҳам бир лаҳза айру,  
Бир лаҳза ҳам яшамадим сиз билан бироқ.

Сабаб бўлдим бағрингизга қўнган доғларга,  
Бекор бўлди менга қўнгил қўйганларингиз.  
Боғингизда мени кўриб, ўзга боғларга  
Битта-битта учиб кетди суйганларингиз.

Ўша пайлар бу ҳол менга туюлганди шон,  
Сароб экан, тутар-тутмай излаб қолдим мен.  
Бу сатрлар қуйиларкан бошга урап қон,  
Сиздан совий-совий бугун музлаб қолдим мен!

Алвидо, ёр, тўкилмоқда тоқат деган жом,  
Кетмоқ ишқи куйдирмоқда ўт бўлиб мани.  
Алвидо, ёр, қўксингиздан ўчиринг тамом  
Боғингизга янглиш қўниб учган қушчани.

\* \* \*

Қайларгадир ёзган эдим исмингни сенинг,  
Қаерларга... кейин узоқ ўзим қидирдим.  
Кўп тингладим жилғаларнинг шўх кулгусини,  
Энди куртак очаётган боғларга кирдим.

«Сор бургут-ей, шиддатингга шиддат улансин —  
Сенга ёзганмидим», десам дилимни доғлаб.  
У дер: «Йўқ, йўқ, эслолмайман, унинг номин сен  
Қанотимга ёзганинг йўқ», — кетар узоқлаб.

Толмабўйин оққушларни тутаман сўзга:  
«Балки сизга ёзганман мен», — аҳволим кўриб,  
Оққушлар дер: «Эслаб кўргин, ёзмадинг бизга —  
Қайга ёзсанг ёзгансан сен паришон туриб».

Дарёларга савол ташлаб худдики қармоқ  
Ойлаб кутиб, жавоб олмай топмадим изин.  
Ерга айтсам, ер айтдики: «Тишлама бармоқ —  
Ўчмас қилиб ёзганДингми номини ўзи?!»

Шунда-шунда сергак тортиб мен бўлдим тамом —  
Ёғаётган суст қорларга ёзгандим сени.  
Тўкилгудай чайқалганда кўнглимдаги жом,  
Кўнглимдаги озорларга ёзгандим сени.

Ёзиб кетдим, йўл-йўлакай нигоҳим тушиб,  
Ёт дилларнинг тасодифий ёр-ёрларига.  
Бир бепарво шўхлик билан ёздим қизишиб  
Бу дунёning ур-сур, гавжум бозорларига.

Энди, энди бари абас, берсам ҳамки тан —  
Баъзан кўнгил тағин сени йўқласа бўзлаб,  
Қори эриб кетган ердан излаб қоламан —  
Тарқаб кетган бозорлардан қоламан излаб...

Қайларгадир ёзган эдим исмингни сенинг.



\*\*\*

— Тугатинг бас,— дедим, Сиз қилдингиз бас,  
Ортиқ ишқ ҳақида очмадингиз гап.  
Ишонинг, у сўзлар меники эмас,  
Мен, ахир, юрибман ишқимни чорлаб.

«Кетган тўлқин албат ортга қайтади»,  
Ўзимга берурман таскину тўзим  
«Ўзи келиб тағин ишқин айтади»,  
Ўзи келиб, аммо, келмайди ўзи...

Ишқ мени топганда бўлолмасман эл,  
Сўнг ўзим топмасман кўз ёшларим сел...